

Сийрат суҳбатларимиз давом этади



13:00 / 24.05.2021 1812

Ҳурматли юртдошлар!

Ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжидида, шом намозидан сўнг сийрат суҳбатлари давом этади. Суҳбатда имом Абу Ийсо Муҳаммад Термизий раҳматуллоҳи алайҳнинг **«Шамоиلى Муҳаммадия»** китоблари ўқилади. Унда 417 та ҳадис жамланган бўлиб, бугунги кунгача 337 ҳадис сиз азизларга тақдим этилди. Бу муборак китобда башариятнинг энг афзали, анбиёларнинг саййиди Муҳаммад Мустафо солаллалоҳу алайҳи васалламнинг ташқи кўринишлари, юксак ахлоқлари, улуғ хислатлари, гўзал муомалалари ҳақидаги ҳадислар тўпланган.

Суҳбатларимиз hazratim.uz саҳифасида ҳамда islom.uz порталининг барча ижтимоий саҳифаларида жонли эфирда узатилади. Уларни оила даврасида

ҳам томоша қилишингиз мумкин. Шунингдек, муслима аёлларимиз бевосита масжидга ташриф буюриб, суҳбатни эшитишлари ёки масофадан туриб тинглаш имкониятига эгалар.

Сийрат суҳбатларини масжидимиз ноиб имоми **Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид** олиб борадилар.

Барчангизни илм гулшанига, сийрат бўстонига таклиф этамиз!